

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются особенности использования мифических мотивов в эпических произведениях каракалпакского поэта И.Юсупова. Существует несколько исследований мифических мотивов в каракалпакской литературе, но изучение мифических мотивов, использованных в эпических произведениях И.Юсупова, является одним из актуальных вопросов в литературе. В данной статье, наряду с мифическими мотивами, использованными в эпических произведениях поэта, изучается его мастерство их использования.

SUMMARY. The article discusses the features of the use of mythical motifs in the epic works of the Karakalpak poet I. Yusupov. There are several studies of mythical motifs in Karakalpak literature, but the study of mythical motifs used in the epic works of I. Yusupov is one of the topical issues in literature. In this article, along with the mythical motifs used in the poet's epic works, his mastery of their use is studied.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ҚАВМ-ҚАРИНДОШЛИККА ОИД ЛЕКСЕМАЛАР

М.Нарматова – ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: халқ достонлари, қавм-қариндошлик, тарихийлик, маъно, этимология, адабий тил, лексемалар.

Ключевые слова: народный эпос, этническое родство, историчность, значение, этимология, литературный язык, лексемы.

Key words: folk epics, ethnic kinship, historicity, meaning, etymology, literary language, lexemes.

Қавму-қариндош: бу лексема соф туркийча, деярлик ҳамма туркий халқлар тилида қисман фонетик ўзгаришга учраса-да, улар бир хил даражада фаол қўлланган. Бунинг исботини ёзма ва оғзаки адабиёт намуналарида кузатиш мумкин бўлади. Халқ достонлари тилида қўлланилган мазкур сўз бирлигида муайян халқ, элат мажмуасини, бир авлоддан тарқалган ва ўзаро қариндошлик муносабатлари маъносини ифодалашга хизмат қилган: *Раҳм қилмас кўздан оққан ёшим, / Хафа фалак оғу қўшди ошим, / Қўшилмай қавму-қариндошим, / Ғариб бўлиб дев қўлида турибман (М.а. 156-бет); Жамоллари ою кундан зиёда, / Ғайратидан шоҳлар юрар пийда, / Хуснин кўрсанг, хоним, сиздан зиёда, / Қавму қариндошинг қолсин беҳабар (М.а. 189-бет).* Келтирилган мисралардаги қавму-қариндош сўз бирлигида “узок-якин қариндошлар, хеш-акрабодлар, уруғлар” (ЎТИЛ, V, 249-бет) маъноси ифодаланган.

Мазкур достонда қариндош лексемасининг қариндошим, қариндошима, қариндошимга, қариндошимсиз, қариндошинг, қариндошингга, қариндошингни каби шаклдошларининг ҳар бири 1 мартадан қўлланганлиги аниқланди. Агарда “Баҳром ва Гуландом” достони матнига назар солинса, мазкур лексеманинг қўлланилиши доираси тор, жуда кам микдорда мавжудлиги аниқланди. Хусусан, қариндошлар, қариндоши, қариндошим каби намуналари қўлланилган ҳолос: *Ота юрта бизлар кетиб борамиз, / Омон бўлинг, ўйнаб-ўсган қардошим (Б.Г. 115-бет) / Қиз бола деганинг палахмон тоши, / Қайда бўлса кўнар мусофир боши, / Ёнбошида юрмас қавму-қариндош, / Олисда қолади ҳамбўй-тенгдоши (Б.Г. 111-бет); Ўйланг Чин шаҳрида буниси неси бун?! / Ота-она, қариндошлар интизор, / Жинни эмас, бунинг юриши бекор, / Юришдан кўнглида бир гап бор. / Гуландомни олса Хурумга қайтар (Б.Г. 106-бет).*

Тоға лексемаси ҳам туркийча сўз бўлиб, унинг қўлланиш доираси жуда кенг. Ҳам ёзма адабиётда, ҳам оғзаки манбаларда, шунингдек, оғзаки-ёзма нутқларда деярлик бир хил даражада қўлланади. Ҳозирги адабий тилимизда ҳам бу лексема фаол. Оиладаги аёлнинг фарзандлари учун унинг ака-укалари тоға, аёлнинг фарзандлари тоға учун жиян саналади. Уларнинг ўртасида муносабатлар қавм-қариндошлик ришталарини боғлайди. “Малика аёл” достони матнида *тоға, тоғаларинг, тоғангиз* лексемаларининг ҳар бири уч мартадан, *тоғаларингизнинг, тоғангиз, тоғангизнинг* каби лексик birlikлари 2 мартадан, шунингдек, *тоғамга, тоғаларингнинг, тоғанг, тоғаси* каби шаклдошлари 1 мартадан қўлланган. Уларнинг ҳаммасида “қавм-қариндошлик” маъноси ўз ифодасини топган. Мисоллар келтирамиз: *Дев тоғангиз қўп катта, уни унча-мунча девлар қатори, деб қўллингизга келмасин. Қизил дев: - Хўп, Гўрўғли езнамизнинг ҳурмати, дев тоғаларингизнинг ҳурмати, - деб бир тилсим дуо ўқиб осмонга кўтарилиб кетди (М.а. 58-бет). Салом айтгин меҳрибон тоғамга, катта-кичик,*

улуғ шоҳу оғага (М.а. 123-бет). Гўрўғлининг Аҳмад тоғаси йиғитларни йиғиб айтди. (М.а. 10-бет). “Баҳром ва Гуландом” достони матнига назар солганимизда, шу ҳолат аниқландики, тоға лексемаси ва унинг хилма-хил шаклдошлари учрамади.

Амма: бу лексема арабча сўз бўлиб, отанинг опаси ёки синглиси (жиянларга нисбатан) маъносини ифодалашга нуфузли луғатимизда қайд этилган (ЎТИЛ, 1, 79-бет). Бу лексема тоға сингари кенг қамровда қўлланилади, тилимизнинг фаол сўзи саналади. Лекин “Малика айёр” достонида мазкур лексеманинг фақатгина аммам, аммамнинг шаклдошлари бир мартадан қўлланган ҳолос: *Чамбил элидан бўлсангиз, Юнус, Мисқолнинг жони-дили бўлсангиз, Гўрўғлининг ўғли бўлсангиз, Менинг туғушгангина аммамнинг ўғли бўласиз экан (М.а. 52-бет). Бундан илгари Юнус, Мисқол аммам бу юртларга тўрт кунлаб келиб, ҳамма қизларнинг ичида мени яхши кўриб, рўмолини ўратиб кетган эди (М.а. 53-бет).* Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, мазкур лексема “Баҳром ва Гуландом” достони матнида бирор марта ҳам учрамади.

Жиян соф туркий сўз бўлиб, у кундалик ижтимоий-маиший ҳаётда муайян тоғага, амакига, холага нисбатан бир ота-онадан тарқалган ака-укаларнинг, опасингиларнинг фарзанди номини ифодалайди. Бу масала ҳам қавм-қариндошлик лексемасида фаол ва ўзига хос ўринга эга. Умуман, ўзбек халқ достонлари матнида фаол қўлланган бу лексема биз ўрганган достонларнинг бирида, хусусан, “Баҳром ва Гуландом”даги бирор ўринда умуман ишлатилмаганлигини кузатдик. “Малика айёр”да эса жияним лексемаси 8 марта, жиянимиз шаклдоши 2 марта қўлланилганлигини кўрдик: – *Эй жияним! Бизларни кам қилиб нима қиласиз, бизлар қирқтамиз (42-бет). Шунда Авазхон айтди: - Тоға, сизнинг жойингиздан бери қанчалик йўлга келдик? Дев айтди: Жияним, мен кеча-кундуз учиб келаётирман, мени юришимга йиғирма кунлик йўлга келдик, Сенинг бу отларингнинг юришига йиғирма йиллик йўлга келдик (44-бет).* Кўрамизки, лисоний далил сифатида келтирилган матнинг дастлабкисида Авазхоннинг тоғаси Япроқдевнинг мурожаати ва иккинчи матнда эса жиян бўлиш Авазхоннинг тоғасига (Япроқдевга) мурожаатида иккита қавм-қариндош лексемасига мансуб сўзлар (*тоға ва жиян*) катнашган.

Езна (шевада *жезда, почча* дейилади) лексемаси ҳам қариндош-уруғчилик лексемасининг бир намунаси бўлиб, тарихий ва кундалик-маиший турмушда фаол қўлланади. Жумладан, биз ўрганган халқ достонларида ҳам учрайди. Биз ўрганган “Малика айёр” да мазкур лексеманинг *езнам, езнамиз, езнамизни, езнамизнинг* каби шаклдошларининг ҳар бири 1 мартадан қўлланилганлигини кузатдик: *Девлар туриб бориб Аваз билан кўришиб, Гўрўғли езнамиз, Юнус, Мисқол опамиз омонми? Чамбил юрти тинчликми. Чамбидаги катта-кичик беклар, полвонлар омонми?, - деб сўрашиб турибди (56-бет). Қизил дев: -Хўп, Гўрўғли езнамизнинг*

хурмати, дев тоғаларингизнинг хурмати, -деб бир тилсимот ўқиб... бир ерга тушди (58-бет). Келтирилган матнларда *езна*, *она*, *беклар* каби қавм-қариндошлик ришталарини боғлайдиган лексик бирликлар ўзларининг функционал-семантик вазибаларини бажаришга хизмат қилган.

Езна лексемаси баъзи шева вакиллари ўртасида, хусусан, кипчоқ шевасига хос аҳоли нуткида *жезда*, *жезна* вариантлари кенг қўлланилишидан мутахассислар яхши хабардор. “Малика айёр” дастони куйловчиси ҳам биз назарда тутатган кипчоқ шеваси худудларида яшаган. Достоннинг эпик ижросида айнан *жезна* варианты ҳам қўлланганлигини кузатдик. Буни Япроқ девнинг жияни бўлмиш Авазхонга қарата айтган сўзида кузатдик: *Чамбилбелда Юнус, Мисқол одам бор. / Юнус пари, Мисқол пари омонми? / Хазон бўлиб богда гуллар сўлмасин, / Хаёлинга бошқа гаплар келмасин, / Бу сўзни одамхўр жезнам билмасин, / Кўнглига оғир олиб қолмасин, / Қора кунни – биздай иўрга солмасин, / Қахр айлаб одамхўр жезнам келмасин (35-бет)*. Мазкур матндаги *одамхўр жезнам* бирикмасида Юнус ва Мисқол парининг эри, Чамбилбекнинг хони Гўрўғли назарда тutilган, Авазхон Гўрўғлининг фарзанди, Япроқ дев эса Мисқол ва Юнус парининг укаси, Авазхон мазкур девга жиян бўлади. Кўрамизки, кичик шеърйи парчада *она*, *жезна* (*почча*) ва *жияни* Авазхон каби қавм-қариндошлик атамалари қўлланган.

Янга: бу лексема туркийча бўлиб, “Ақанинг хотини (ука ва сингилга нисбатан), келинони (ЎТИЛ, 5, 112-бет) маъносида қўлланилади. Адабий тилда фаол қўлланадиган бу лексема баъзи шеваларда, хусусан, кипчоқ этник гуруҳи истикомат қиладиган худудларда *чеча* варианты ҳам оғзаки нутқда фаол қўлланилади. Биз ўрганган халқ достонларининг бирида, хусусан, “Баҳром ва Гуландом”да мазкур лексема таъкидланган маъноларда умуман қўлланмаган. “Малика айёр”да эса *янга* сўз бирлиги бошқа кўчма яъни, “омади келди”, “омадди” маънода қўлланганлиги кузатилди: *Шоқаландар тикилаб қараса, ҳаммаси қиз, шоҳлик шаъни шавкати билан турибди. Шоқаландар буларни кўриб, димоғи чоқ бўлди. –Бу иш жуда яхши бўлди, “Иули бўлган йигитнинг янгаси олдида чикади”, дегандай бу санамлар бизларнинг олдимиздан чиқиб қолди. Йўлимиз бўлди (182-бет)*. Ушбу матнда “омадимиз келди” маъноси устуворлик қилган.

Авлод: аслида арабча ўзлашма сўз бўлиб, у “ўғиллар, болалар, насл” маъноларида қўлланади: Тилимизнинг изоҳли луғатида куйидагича изоҳлар берилган: 1. Ота-бободан қолган насл (аждодга нисбатан), 2. Ота-бобо ва унинг насли, сулола, зот (ЎТИЛ, 1, 32-бет). Бу лексема оила тизими ва қавм-қариндошликка оид лексикада, оғзаки нутқда, халқ достонлари матнида жуда фаол қўлланилади. Биз ўрганган халқ достонлари матнига нисбатан ҳам айтиш мумкин, хусусан, “Малика айёр”да мазкур лексеманинг *авлодинг*, *авлодиндан*, *авлодингни* каби шаклдошларининг ҳар бири 1 мартадан қўлланилганлигини кузатдик: *Қай шафардан мунда келдинг, қаландар? / Асли наслинг хабар бергин меҳмонлар... / Бу шаҳарда иш кўрсатиб юрибсан, / Авлодингни хабар бергин, қаландар... / Бу элларда иш кўрсатиб борасан. / Авлодинг не, ўзинг кимсан қаландар, / Одаммисан, паримисан, қаландар, / Авлодиндан хабар бергин жодугар (92-бет)*.

Достондаги эпик қахрамонлардан бири Қосимшоҳнинг Шоқаландарга қарата айтган сўзи – мурожаатида қавм-қариндошликнинг асосий ришталаридан **насл-насаб** (аждодларга нисбатан)ни сўраш, аниқлаб олиш устуворлик қилган. Аслида *насл* арабий ўзлашма сўз бўлиб, “авлод, уруғ, бола-чақа, туғилган бола” (ЎТИЛ, 3, 21-бет) маъноларини билдиради. Халқимиз орасида *насл* суриштирилганда

бир авлод-аждодга мансуб кишилар уруғи, уларнинг келиб чиқиши, зоти, насаби, тағи-тахти, зурриёти кабилар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш назарда тutilади. Айни ҳол “Малика айёр” дастонида келтирилган юқоридаги матнда ҳам ўз ифодасини тўлиқ топган, дейиш мумкин. *Насл-насаб* бирикмаларидаги иккинчи жуфтликдаги *насаб* лексемаси ҳам аслида араб тилидан ўзлашган бўлиб, “қон-қариндошлик, алоқа, муносабат” (ЎТИЛ, 3, 21-бет) каби маъноларда қўлланади. Халқ достонларида бу лексема келиб чиқиш, насл-насаб, бир ота-бободан тарқалган авлод маъноларида қўлланилганлигини кузатамиз. Хусусан, биз ўрганган “Малика айёр” дастонида *наслидан* лексемаси 2 марта, *насли*, *наслиман*, *наслинг* каби шаклдошларнинг ҳар бири 1 мартадан қўлланилганлиги аниқланди. Достондаги Қизил девнинг Гулқизга қарата айтган сўзида *наслиман* лексемаси қўлланган: *Бир одам наслиман уйнаб куласан, / Девларнинг юзини тубан қиласан, / Келган одамзодни бергин қўлима, / Армон билан, Гулқиз, энди ўласан (54-бет); Шундай қараса, одам наслидан экан. –Эй болам, сен одам наслидан экансан. Нима қилиб бу девларнинг чангалида юрибсан? – деди (75-бет)*.

“Баҳром ва Гуландом” дастонида *насл* лексемаси қўлланмаган. Лекин *насл*, *одам насли* бирикмаси фақат бир ўриндаги учради: *Бу ададсиз чўл эди, Сира меъёри йўқ эди. Одам насли келмаган, Беҳуда одам юрмаган (76-бет)*. Мазкур достонда *авлодинг*, *авлодингда*, *авлодингни* каби лексемалар 1 мартадан қўлланилганлиги аниқланди. Уларнинг ҳаммасида, “сулола: зот, сулола” каби лексемалар ўз ифодасини топган, дейишимиз мумкин.

Бобо лексемаси эски форсий сўз бўлиб, ота, бува, оқсоқол (ЎТИЛ, I, 291-бет) маъноларини ифодалайди. Халқ достонларида бу лексема набаирага нисбатан отанинг ёки онанинг отасига нисбатан қўлланилган. Масалан, “Баҳром ва Гуландом” дастони матнини кўздан кечирсак, *бобо* лексемаси 17 марта, *бобожон* 6 марта, *бобонинг*, *бобоси*, *бобосига* 3 мартадан, *бобога*, *бободан*, *бобонинг*, *бобонгда*, *бобонгни* каби лексик бирикмаларнинг ҳар бири 1 мартадан эпик қахрамон нуткида учради. Мисоллар келтирамиз: *Бу сўзларни эшитиб, Баҳром бобосига қараб бир-икки оғиз сўз айтаёттир (Б.Г. 26-бет)*. *Ёшлигимда овчи бўлдим, бобожон. Овчи халқи юрар шундай саргардон (Б.Г. 26-бет)*. *Бобонгда ундан зиёд тириклик бўлмади, - деб Баҳромни тушириб дастурхон ёзиб, олдида таом тайёр қилди (Б.Г. 29-бет)* каби.

Бобо лексемасининг “Малика айёр” дастони матнида қўлланилиш даражаси анча юқори. Буни куйидаги статистик маълумотлар тўлиқ далиллай олади, - деб ҳисоблаймиз. Биргина *бобо* лексемаси 35 марта *бобом*, *бобонг* вариантларининг ҳар бири 8 мартадан, шунингдек, *бобожон*, *бобожоним*, *бобойингга*, *боболари*, *боболаринг*, *бобомга*, *бобомиз*, *бобонгнинг*, *бобосига*, *бобосининг* каби шаклдошларининг ҳар бири 3-4 мартадан эпик қахрамонлар нуткида қўлланилганлиги аниқланди. Бу ўринда айрим матнларни келтириш билан чекланамиз: *Қани бобом бўлса Шоҳқаландар, / Ёмон кунда бўлар эди хабардор, / Кўрса қочар эди бу замон девлар (М.а. 176-бет); Шоҳнинг юз бешига кирган қизини / Ҳасан Қўлбар бобомга обкеб бераман (М.а. 24-бет); Сенга қурбон мендай бобонгни жони, / Чин-Мочиндир билсанг, бобонг макони (М.а. 26-бет); Ҳар кеча бобойинга базм берасан, / То ўлгунча косагўл бўб юрасан (М.а. 25-бет)*.

Ога (ака) лексемаси ҳам туркий сўз бўлиб, баъзи ҳолларда *ака* сўз бирлигининг ўрнида қўлланилиш ҳолатлари кузатилади. Бу лексема айнан *ака* сўзидаги маънони ифодаласа-да, халқ достонлари матнида “туғишган акадай яқин, қадри маъноларида ёш, турли лавозим ва унвонлар номлари”ни ифодалашга хизмат

килади: *Англа ога, менинг айтган арзимни, / Изламаймиз Авазхондай тўрани (М.а. 31-бет); Кеча-кундуз ахду паймон қилибмен, / Туринг, ога Чамбил элга жўнайик (М.а. 32-бет).*

“Баҳром ва Гуландом” достонида *ога* лексемасининг *оғаларим* шаклдоши биргина ўринда учради ва “туғишган акадай яқин” маъносини ифодалашга хизмат қилган: *Сайфур деган оғаларим бор эди, Бешови ҳам овда эди бу замон, Ҳар қайсиси мисли аждаҳо эди... (Б.Г. 34-бет).* *Ога* лексемаси баъзи халқ достонлари “муайян юртнинг эгаси, элнинг каттаси”

Адабиётлар

1. Б.Г. – Баҳром ва Гуландом. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.
2. М.А. – Малика айёр. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
3. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. –Тошкент: ЎЗБМЭ., 1-жилд, 2006. 680 б.
4. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. –Тошкент: 3-жилд, 2007. – 688 б.
5. ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш томлик. –Тошкент: 5-жилд, 2008. – 592 б.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада қавм-қариндошликка оид лексемаларнинг тарихий-маиший ҳаётдаги ўрни, маънолари, этимологияси ва халқ достонларида қўлланилиш даражалари ҳақида сўз юритилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье говорится о месте, значениях, этимологии и уровнях употребления лексем народного родства в исторической и бытовой жизни.

SUMMARY. This article talks about the place, meanings, etymology and levels of use of folk-kinship lexemes in historical and domestic life.

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИДА ОИЛА ТИЗИМИГА ОИД ЛЕКСЕМАЛАР

М.Нарматова – ўқитувчи

Жиззах давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: халқ достонлари, оила тизими, адабий тил, лексемалар, луғат, араб тили, туркий тиллар.

Ключевые слова: народный эпос, семейная система, литературный язык, лексемы, словарь, арабский язык, тюркские языки.

Key words: folk epics, family system, literary language, lexemes, dictionary, Arabic language, Turkic languages.

Оила арабча сўз бўлиб, тилимизда бола-чақа, хонадон: уруғ, авлод маъноларида қўлланилади. Нуфузли луғатларимизнинг бирида қуйидагича изоҳ берилган: 1. Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуаи: хонадон (ЎТИЛ, III, 97-бет). Демак, оила тизими аъзоларига муайян бир оиланинг бошлиғи (эри) ва унинг хотини, фарзандлари (ўғил-қизлари) ва энг яқин туғишганлари (масалан, неvara, чевара ва эvarалари) киради.

Қавм сўзи ҳам арабча сўз бўлиб, у муайян миллат, халқ, кишилар тўдасини ифодалайди. Кенг қамровда тасвирланганда, бир авлоддан (ота-онадан) тарқалган ўзаро қариндошлик муносабатлари билан боғланган кишилар (ака-ука, опа-сингил, неvara-чевара кабилар) бирлашмаси оила аъзолари тизими тил асосларини ташкил этади. Тилимизда **қариндош** лексемаси икки хил маънода қўлланилган: 1. Бир авлод аждодга мансуб бўлган кишилар, ота-она томонидан бўлган шахслар (бири бошқасига нисбатан); 2. Келиб чиқиш манбаи бир бўлган, бир-бирига яқин (ЎТИЛ, V, 249-бет). **Қариндошлик** лексемасида қариндош эканлик, қариндошларга хос боғланиш, муносабат, инсонлар ўртасида қон жиҳатида боғланиш маънолари муносабат бўлса, **қариндош-уруғ** сўз бирлигида узок-яқин қариндошлар, хеш-акраболар, уруғлар ўз ифодасини топган. Халқ орасидаги қавм-қариндош (қавму қариндош) атамасида узок-яқин қариндош-уруғ, хеш-акраболар назарда тутилади.

Оила тизими оид лисоний бирликларнинг тадқиқотимиз объектига жалб этилган халқ достонларидаги қўлланилиши даражалари ва ҳолати қуйидагилардан иборат:

Ота лексемаси соф туркийча бўлиб, қўлланилиш доираси ниҳоятда кенг: ёзма ва оғзаки адабиёт намуналарида, шунингдек, оғзаки ва ёзма нутқда бир хил даражада қўлланилади.

Ота вазифасига кўра аввало, муайян оила бошлиғи, фарзандли, бола-чақали эр киши (ўз болаларига нисбатан). Шу боисдан ҳар бир жамиятда, кундалик ҳаётда **отанинг** ўз ўрни ва қадри бор. “Малика айёр” достонида **ота** ва **отам** лексемалари 19 мартадан хилма-хил ўринларда қўлланилган. **Ота эшит мен**

маъносида қўлланилиши кузатилган. Масалан, “Алпомиш”даги “Мени билсанг – Кўнғиротнинг оғаси. Бошимда бор эр йигитнинг жиғаси” каби эпик қаҳрамоннинг нутқини хотирга келтиришнинг ўзи кифоя. Айни ҳолат биз ўрганган халқ достонлари матнида учрамади.

Хулоса қилиб айтганда, қавм-қариндошликка оид лексемаларни тўплаш, уларни этимологик хусусиятларини ёритиш ва халқ достонларида қўлланилиш даражаларини аниқлаш тилшуносларнинг олдида турган вазифаларидан бири ҳисобланади.

айтган нолишимни, Сел қилиб тўкарман кўздан ёшимни (11-бет). Ота хафа қилма мендай улингни, Бу гафлатда туриб, сўра элингни (11-бет). Излаб топсанг Чамбилдайин шаҳарни, Албатта, отам бергин хабарни (81-бет). Мазкур халқ достонида **ота** лексемасининг **отага, отадан, отажон, отажоним** каби 30 га яқин шаклдошлари, шунингдек, **отам** лексемасининг **отамиз, отамни, отамнинг** каби 22 та шаклдошлари қўлланган. “**Отамдай** яхшилик қилган қаландар, Мен келарман, жоним бобом, хўш энди (194-бет). **Авазхон отасини бу аҳволда кўриб, олисдан ҳолу-аҳвол сўраб, бир сўз деб турибди (10-бет).** “Баҳром ва Гуландом” достонида **ота** лексемаси 18 марта қўлланган. Шунингдек, унинг **отаси, отангиз, отам-а, отасидан** сингари 59 та шаклдошлари қўлланилганлиги аниқланди.

Яна бир лисоний ҳолат кузатилди. Таҳлил қилинган ҳар иккала дoston матнларида **ота** лексемасига **бобо, она** сўзларининг қўшилиши натижасида янги маънолар ҳосил қилинган. Масалан, илгари яшаб ўтган кишилар, аждодларга нисбатан **ота-боболар** ёки болаларнинг ота ва онасига нисбатан **ота-она** шаклидаги бирикмаларнинг қўлланилиши фикримизни далиллайди: *Ҳамма ҳам уйланиб, хотин олган. Отам ҳам албатта бу ишни қилган. Бу ишлар ота-бободан қолган, Отасини қўйиб қизига гапирган (Б.Г. 111-бет).* “*Ўйланг Чин шаҳрида бунинг неси бор?! Ота-она, қариндошлар интизор (Б.Г.105-106-бет).* Мен девларнинг қўлидан сени қутқараман, ота-энамга, қавму-қариндошингга омон-эсон етқарарман (М.а. 76-бет). Достонларнинг матнида **ота-бола** шаклидаги лексик бирикмалар ҳам мавжуд. *Сог-саломат бора берсин меранлар. Ота-бола топишгандир, муқаррар (М.а. 202-бет).*

Она лексемаси соф туркийча сўз бўлиб, барча туркий халқларда айрим фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда қўлланади. Қадимги туркий тилда **ана** (ДТС, 43-бет) фонетик вариантыда фаол қўлланган ушбу истилоҳ ҳозирги абадий тилимизда “фарзанди ёки фарзандлари бўлган (ўз туккан фарзандларига нисбатан) маъносидаги **эна, она** (ЎТИЛ, 3, 125-бет) лексемалари кундалик- маиший ҳаётда, оғзаки ёки ёзма нутқларда, айнан уларга дахлдор оғзаки ёки ёзма асарлар